

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 673-ҳадис

673 - وَعَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ:
«حَيَارُ أَيْمَتِكُمُ الَّذِينَ تُحِبُّونَهُمْ وَيُحِبُّونَكُمْ، وَتُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ وَيُصَلُّونَ عَلَيْكُمْ، وَشِرَارُ أَيْمَتِكُمُ الَّذِينَ
تُبْغِضُونَهُمْ وَيُبْغِضُونَكُمْ، وَتَلْعَنُونَهُمْ وَيَلْعَنُونَكُمْ» قَالَ: قُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ أَفَلَا تَنَابِذُهُمْ؟ قَالَ: «لَا، مَا
أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ، لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1855/66].

«تُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ»: تَدْعُونَ لَهُمْ.

673. Авф ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман:

«Раҳбарларингизнинг яхшилари - сизлар яхши кўрадиган ва сизларни яхши кўрадиган, сизлар ҳаққига дуо қиладиган ва сизларнинг ҳаққингизга дуо қиладиганлардир.

Раҳбарларингизнинг ёмонлари - сизлар ёмон кўрадиган ва сизларни ёмон кўрадиган, сизлар лаънатлайдиган ва сизларни лаънатлайдиганлардир». Биз: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ўшанда уларга (қилич билан) қарши чиқамизми?» дедик. У зот шундай дедилар: **«Модомики орангизда намозни адо этишар экан, йўқ! Модомики орангизда намозни адо этишар экан, йўқ!**

Имом Муслим ривояти.

Шарх: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагича бўлган:

«Авф ибн Молик Ашжабийнинг шундай деганини эшитдим: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: **«Раҳбарларингизнинг яхшилари - сизлар яхши кўрадиган ва сизларни яхши кўрадиган, сизлар ҳаққиға дуо қиладиган ва сизларнинг ҳаққингизға дуо қиладиганлардир. Раҳбарларингизнинг ёмонлари - сизлар ёмон кўрадиган ва сизларни ёмон кўрадиган, сизлар лаънатлайдиган ва сизларни лаънатлайдиганлардир»**. Биз: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ўшанда уларға (қилич билан) қарши чиқамизми?» дедик. У зот шундай дедилар: **«Модомики орангизда намозни адо этишар экан, йўқ! Модомики орангизда намозни адо этишар экан, йўқ! Огоҳ бўлинглар, кимға бир одам раҳбар бўлса-ю, кейин у унинг Аллоҳға маъсият бўлган бир иш қилаётганини кўрса, Аллоҳға қилаётган маъсиятини ёмон кўрсин, аммо зинҳор итоатдан қўл тортмасин!»**»

У (Рузайқ ибн Ҳайён) менға бу ҳадисни айтиб берганида «Аллоҳ ҳаққи, эй Абу Миқдод, Муслим ибн Қараза буни сенға «Мен Авфнинг «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим...» деб айтиб берганми ёки сен унинг шундай деганини эшитганмисан?» дедим. Шунда у тиз чўкиб, қиблага юзланди-да: «Ҳа, Ўзидан ўзға илоҳ бўлмаган Аллоҳға қасамки, мен буни Муслим ибн Қаразадан эшитганман. У: «Мен Авф ибн Моликнинг «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман...» деганини эшитганман», деди» (Имом Муслим ривояти).

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI